

# **Кексаларнинг тажрибаси ёшлар учун ҳаёт мактаби**



Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида вилоятимизда турли хил соҳаларда фаолият кўрсатган кекса-нуронийлар иштироқида "Уч авлод" учрашуви ташкил этилди.

Тадбир давомида ёши улуғ фахрийларимиз ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида тўплаган бой тажрибаси билан ўртоқлашишди. Айниқса, уларнинг қимматли панд-насиҳатлари, ҳаёт сабоқлари ёшларнинг шижоати билан бирлашса, жамият равнақига хизмат қилиши таъкидланди.

Учрашув сўнгида институт ректори бошчилигида талабалар учун яратилган ўқув шарт-шароитлар билан таништирилди ва Институт боғига меҳмонлар томонидан мевали ва манзарали кўчатлар экилди.